



## HISTORY AND PERFORMANCE TRADITIONS OF TRADITIONAL UZBEK FLUTE

Qaxxarov Toxirjon Alievich

<sup>1</sup>Teacher of the Department of Traditional Instruments, Fergana Specialized Art School

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4978725>

### ARTICLE INFO

Received: 05<sup>th</sup> June 2021  
Accepted: 10<sup>th</sup> June 2021  
Online: 15<sup>th</sup> June 2021

### ABSTRACT

*The article says that Uzbek folk instruments are rich in traditions and their origins go back to the distant past.*

### KEY WORDS

flute, instrument,  
instrument, music,  
material, traditional,  
branch, folk

## ЎЗБЕК АНЪАНАВИЙ НАЙ ЧОЛҒУСИ ТАРИХИ ВА ИЖРОЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ

Қаххаров Тохиржон Алиевич <sup>1</sup>

<sup>1</sup>Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактаби Анъанавий чолгулар булими ўқитувчиси

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 05-iyun 2021  
Ma'qullandi: 10-iyun 2021  
Chop etildi: 15-iyun 2021

### ANNOTATSIYA

Мақолада ўзбек халқ чолғулари анъаналарга бойлиги, унинг келиб чиқиши узоқ ўтмишга бориб тақалиши. Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудда археологик қазилар жараёнида топилган мусиқа асбоблари ва ижрочиларнинг тасвири туширилган жуда кўп моддий-маданий ёдгорликлар бунга далил бўлганлиги баён этилган.

### KALIT SO'ZLAR

най, чолғу, асбоб, мусиқа, моддий, анъанавий, соҳа, халқ

Ўзбек халқ мусиқа меросининг анъанавий ижрочилиқ соҳасига мурожаат этар эканмиз, ҳозирда серқирра, сержило ҳамда сайқал топган паллага этиб келганлигини инкор этиб бўлмайди. Мусиқа санъати инсоният маънавиятининг калитидир. Мусиқа орқали дунёни англаш, тушуниш доимо ўзининг ижобатини топиб

келган. Шунинг учун ҳаётда мусиқа билан ошно бўлган, мусиқанинг сеҳрли садоларидан баҳраманд бўлган инсонларгина эзгу ишларга қўл урганлар. Зеро мусиқа ижодиётнинг илхомлантирувчи кучи ҳамдир. Шу боис бўлса керак, ўтмишда яшаб ижод этган, олиму фузалолар, шоиру адиблар, мусиқа билан ошно бўлишга ҳаракат



қилганлар. Унинг сиру асрорларидан чуқурроқ бохабар бўлиш учун уринганлар. Алишер Навоий таъбири билан айтганда «Шодлик оширувчи хонанда, ғамни тарқатувчи созанда. Буларнинг ҳар иккисига ҳиссиётга берилган кишилар ва аҳли дардлар жон фидо қиладилар.

XVIII асрда яшаб ижод этган тасаввуф илмининг йўлбошчиларидан бири Жалолиддин Румий ҳазратларининг Ўн етти минг мисрадан иборат «Маснавий»сида: «Тингла най, андоқ ҳикоятлар қилур» деб кўхна созлардан най чолғусига алоҳида таъриф берилган.

Най — ўзбек миллий чолғуларидан бири бўлиб, қадим замонлардан халқ орасида кенг оммалашган. Археологик қазилмалар натижасида Самарқанднинг Момимобод қишлоғидан топилган, бундан 3300 йил олдин суякдан исҳланган тўртта тешикли найни эътиборга олсак, ота боболаримизнинг жуда қадимдан бу чолғуга ошно эканликлари аён бўлади. Айритом шахристонни қазилмасидан топилган созандаларни най, сумай чалиб турган тошга ўйилган суръатлари асосида фикр юритадиган бўлсак, созандалик санъати, айнан най созини қадимийлигига ишонч ҳосил қиламиз. Қадимий Урта Осиё маданияти таркибида бўлган, ўзбек халқ чолғу созлари, кўп асрлик ривожланиш жараёнида ўз хусусиятларини, товуш тузилишини сақлаб қолди. Най, қўшна, сумай, чанг, танбур, дутор, ғижжак, уд, қобуз созлари бизгача етиб келди.

Муסיқий созларни илмий асослаб бериш ва уларнинг овоз регистрларига алоҳида аҳамият берган ҳолда таҳлил

қилиш борасида қадимдан муסיқашунос олимларимиз ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Машхур созанда ва ҳофиз, бир неча муסיқий асарлар яратувчиси Борбад Маврий, муסיқашунос Хўжа Абдулқодир Мароғий, Абу Али ибн Сино, Қутбиддин аш-Шерозий, Дарвеш али Чангий, Хўжа Нажмиддин Кавкабий, Абдурахмон Жомий сингари бобокалонларимиз муסיқа ижрочилигини илмий асослаш билан бирга ўзлари ҳам созанда сифатида машхур бўлганлар ва муסיқа илмида улкан маънавий меърос қолдирганлар, созлар ихтиро қилганлар. Ўтмиш устозларимиз барча созлар қаторида най созига ҳам алоҳида эътибор билан қараганлар.

Ўрта Осиёда яшган машхур олим Ал-Фаробийнинг муסיқа ҳақидаги рисоласида «чолғу муסיқа ашулага жўр бўлади ёки овозга тақлид қилади, уни бойитади ҳамда ашулани бошланғич муסיқасини ва унинг ораларидаги чолғу қисмини ҳосил қилади. Бу эса ашулагига дам беради. Айни вақтда улар ашулагининг овози етмайдиган жойини бўрттириб ашула жўрлигини рабаб ва бойитади» дейилади. «Инсон овозига яқин товуш чиқарадиган чолғу асбобларидан дамли асбоблардир; улар овозга жуда яхши тақлид қиладилар. Рабаб ва сумай овозга айниқса яхши тақлид қила олади. Ал-Фаробий «рабаб» деганда ғиджак, «сумай» деганда най чолғуларини назарда тутган дейилади.

Най ижрочилиги тарихига назар солар эканмиз, Абдуқодир Исмоилов, Аюб Қодиров, Саиджон Калонов, Усмон қори каби беназир найчи созандалар



асосан якка ижрочи сифатида эл орасида машхур бўлганликларини гувоҳи бўламыз.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб най созандалар ансамбли таркибида муносиб ўринни топди, оммалашди ва бу чолғуда моҳир созандалар етишиб чиқдилар. Ю.Ражабий, Р.Ҳамдамов, М.Мухамедов, Д.Соатқулов, А.Қодиров, М.Тоиров, Х.Жўраев, А.Собиров, А.Абдурашидовлар шулар жумласидандир. Най созининг тарихий шаклланиши, машхур устоз найчи ижрочилар номлари билан боғлиқ бўлиб, ҳар даврнинг улуғ устоз найчи созандалари ўзларининг бетакрор ижролари билан, най чолғу созининг бугунги мукаммаллашувига олиб келганлар. Мусиқа дурдоналарини ижро этиб, шу соз учун хос бўлган асарлар яратиб, янги шоғирдлар тарбиялашдаги хизматлари беқиёс. Най азалдан халқимизнинг севимли чолғуларидан ҳисобланган. Унинг умумий товуш диапозони 1 октава *ля* дан тўртинчи октава *минотасигача*. Кулланилиши 1 октава *ля* дан 4октава *до* нотасигача булган.

Келажақда етук созанда-ижрочини тарбиялашда биринчи машғулотларданоқ ижро этиш ҳолатига жиддий эътибор берилади. Най чолғуси ўзига хос бўлиб товуш ҳосил қилишда тўртта ижрочилик омиллари муҳим ахамият касб этади. Бу омиллар лаб, тил нафас, бармоқлар ҳаракати ҳисобланади. Ўқувчининг чолғу созида туриш ҳолати ва ўнг, чап қўлларнинг мутаносиблиги, нафас диафрагмада ҳам бир хил кучдаги ҳаракатга эга бўлиш, ижрода нафасни тўғри тақсимлаш. Сабаби, ушбу ҳолатнинг ўқувчи томонидан нотўғри ўзлаштирилиши келажақда

маҳоратининг ўсишига салбий таъсир этиши мумкин. Иккала қўлнинг маҳоратини ошириш учун махсус машқ ва гаммалар чалиш тавсия этилади.

Ўзбек миллий чолғуларидан бири най бўлиб, қадим замонлардан халқ орасида кенг оммалашган. Тарихий обидалар ва ўмиш рисолаларида ёзилишича най чолғуси Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан 3300 йил муқаддам суяқдан ясалган най чолғуси топилганлиги ҳам шундан далолат беради. Хусусан 9-10 асрларда яшаб ижод қилган Шарқнинг буюк алломаси Абу Наср Фаробий ўзининг “Катта мусиқий китоби” да таърифланган най чолғуси замонавий найдан деярли фарқ қилмайди. Най чолғусида ижро этган кекса авлод вакилларида Абдуқодир Исмоилов, С.Калонов, М.Муҳаммедов, А.Қодировнинг хаёти ва ижодий фаолиятлари. М.Тоиров, Ш.Ахмаджонов, Шу жумладан Ўрта ва ёш уста созандалардан А.Абдурашидов, Қ.Раҳматов, Т.Қаххоровларнинг ижодий фаолияти.

Най чолғуси ўзига хос соз бўлиб, товуш ҳосил қилиниши бўйича “хуштаксимон” чолғулар оиласига мансубдир. Чунки ичкаридан тиқилиб келган кучли нафас тўлқини най тешигининг ўткир қиррасига урилади ва у ерда кесилади. Най ичига кирган нафас йўналиши у ерда ҳаракат ҳосил қилиб най ичига қамалган ҳавони ҳаракатга келтиради ва бунинг натижасида товуш ҳосил бўлади. Бунда 4 та ижрочилик воситасининг биргаликдаги ҳаракати чолғучи учун энг муҳим омил ҳисобланади. Булар а) лаб, б) тил, в) нафас, г) бармоқлар ҳаракати.



а) Лабнинг вазифаси - най чолғусида лаб асосан ичкаридан тиқилиб келган кучли нафасни най тешикчаси қиррасига тўғри йўналтирувчи ва уни бошқариб турувчи  
б) Тилнинг вазифаси - Най чолғусида тил ичкаридан тиқилиб келадиган нафасни ушлаб турувчи асосий клапан вазифасинив)  
Ижрочилик нафаси - Оддий нафас билан ижрочилик нафаси ўртасида фарқ бор албатта. Оддий нафас бир дақиқада 16-18 марта тенг ораликда олиб-чиқарилади. Ижрочилик нафаси эса олиш тез, чиқариш, яъни сарфлаш тежалган ҳолдаг) Бармоқларнинг вазифаси - тешикчаларни беркитиб

туриш. Созанданинг бармоқлари чолғуда эркин ҳаракат қилиши учун қулай ҳолатда жойлашиши лозим. Чунки чолғуда товушқатор бўйлаб ҳаракатларни ўрганиш.

Най чолғуси ансамбл машғулотлари давомида ижродаги турли безакларнинг барча чолғуларда бир ҳил садоланишига, пуфлаб чалинадиган чолғуларда интонация бирлигига эътибор бериш лозим бўлади. Ижро этиш жиҳатидан мураккаб бўлган безакли жойларни алоҳида, кейин гуруҳлар билан ўрганиш тавсия этилади.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ю.Ражабий “Ўзбек халқ мусиқаси” 1-9 китоблар 1959 йил Тошкент
2. Ю.Ражабий “Шашмақом” 1-6 жилдлар 1970 йил Тошкент
3. Қ.Умаров “Анъанавий ғижжак ижрочилиги” 2014 йил
4. М.Тоиров Най дарслиги 1973 йил Тошкент
5. .Ражабий Ўзбек халқ мусиқаси 1-9 китоблар 1959 йил Тошкент
6. Ю.Ражабий Шашмақом 1-6 жилдлар 1970 йил Тошкент
7. Т.Каххоров “Най навоси” 2008 йил Тошкент
8. Х.Орипов “Най ноласи” 2013 йил Тошкент